

Ўзбекистон тумани Ахборот-кутубхона марказининг мутахассиси Фарғона вилоятида етакчи

Фарғона вилоятида илк маротаба “Ахборот-кутубхона марказининг энг яхши мутахассиси” кўрик танлови ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган танловнинг ташаббускори Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлди.





Кўрик-танловда вилоят, туман ва шаҳарлардаги ахборот-кутубхона марказлари ходимлари 3 та мезон бўйича ўз тақдимотларини намойиш этдилар.



Якуний натижаларга кўра Ўзбекистон тумани ахборот-кутубхона маркази ходими Шохигул Очилова биринчи ўринни эгаллаб, танлов ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари соҳибасига айланди ҳамда Республика босқичига йўлланма олди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-07-02 00:02:01